

САЙЛОВЛАР — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ, ДЕМОКРАТИК ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТНИНГ АЖРАЛМАС БЕЛГИСИ, ХАЛҚ ХОҲИШ-ИРОДАСИНИНГ ЭРКИН ИФОДАЛАНИШИ, ФУҚАРОЛАР ЖАМИЯТ ВА ДАВЛАТ ИШЛАРИНИ БОШҚАРИШДА ИШТИРОК ЭТИШИНИНГ АСОСИЙ ШАКЛИДИР.



O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

SHU AZIZ
VATAN —
BARCHAMIZNIKI!

• 2009-yil • 21-noyabr • Shanba • 136 (30.096) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan



Сиёсий партиялар ва депутатликка номзодларга ўз сайловолди дастурларини, мамлакатимизни ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ривожлантиришнинг долзарб масалаларига доир нуқтаи назарларини сайловчиларга, жамоатчиликка етказишда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш учун кенг ва тенг имкониятлар яратилади.

ДЕПУТАТЛИККА НОМЗОДЛАР РЎЙХАТГА ОЛИНДИ



Демак, сиёсий партиялар ва номзодларнинг тарғибот-ташвиқот ишлари бошланди.



20 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш масаласи кўриб чиқилди.

Мажлисида таъкидланганидек, Марказий сайлов комиссияси сайлов қонунчилиги талабларига мувофиқ, сиёсий партиялар томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш учун тақдим этилган ҳужжатларнинг қонунга мувофиқлигини батафсил текширди.

Марказий сайлов комиссияси текшириш якунларига кўра ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 26-моддасига мувофиқ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига сиёсий партияларнинг номзодларини рўйхатга олиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Таъкидландики, сиёсий партиялар томонидан Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларни кўрсатиш бўйича барча тадбирлар қонун талабларига қатъий мувофиқ ҳолда, ошқоралик ва очиқлик муҳитида амалга оширилган.

Рўйхатга олинган депутатликка номзодларнинг рўйхати маҳаллий матбуотда эълон қилинади.

Шу кун Марказий сайлов комиссиясининг Матбуот марказида маҳаллий ва хорижий журналистлар учун матбуот анжумани ўтказилди.

Марказий сайлов комиссияси раиси Мирзо-Улughбек Абдусаломов аввало, журналистларга сайлов кампаниясининг боши, олиб борилаётган ишлар, мажлисида кўрилган масала тўғрисида батафсил ахборот берди. Сайловга тайёргарлик ишлари

изчиллик билан амалга оширилаётганига эътибор қаратиб, **Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи 135 та сайлов округи, барча даражадаги сайловлар ўтадиган 8 минг 447 та сайлов участкаси ташкил этилгани, уларнинг комиссиялари таркиби тўлиқ шакллантирилганини айтиб ўтди.**

Маълумки, мамлакатимиздаги барча сиёсий партияларнинг курултойи ва съездлари бўлиб ўтди.

Уларда партиялар томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатилди. Шунинг билан Марказий сайлов комиссиясининг Олий Мажлис, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Концепциясига мувофиқ, сайлов кампаниясининг сўнгги, якуновчи босқичига қадам қўйилди.

(Давоми 2-бетда)

Депутат ва ҳаёт

ИЖТИМОЙ БАРҚАРОРЛИК КАФОЛАТИ

2010 йилги Давлат бюджетига ижтимоий масалаларга янада катта эътибор қаратилмоқда

Яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг ялпи мажлисида мамлакатимизнинг кейинги йилдаги бош молиявий ҳужжати лойиҳаси кўриб чиқилган эди. Депутатлар ҳукумат вакиллари иштирокида Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги Давлат бюджет лойиҳасини батафсил муҳокама қилдилар. Қизгин мунозаралар, савол-жавоблардан сўнг ҳужжат тасдиқланди ва кўриб чиқиш учун Сенатга юборилди. Биз 2010 йилги Давлат бюджетига назарда тутилаётган асосий кўрсаткичлар, ижтимоий соҳани молиялаштириш масалалари билан қизиқиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Мехнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси аъзоси, ЎзХДП фракцияси аъзоси Илҳом АҲМЕДОВга муурожаат қилдик.

— Жаҳонда юзага келган молиявий-иқтисодий инқироз кўпглаб мамлакатларнинг иқтисодий ўсиш суръатларига катта таъсир кўрсатаётгани барчамизга маълум. Мазкур ҳо-

латнинг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсирини камайтириш юзасидан қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2010 йилги Давлат бюджетига қандай асосий масалалар назарда тутилмоқда?

— Мамлакатимизнинг асосий молиявий ҳужжати Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан илгари сурилган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатларининг олдини олиш ва бартараф этиш бўйича 2009–2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурини амалда рўйбга чиқариш ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилган. Давлат бюджетига сифат жиҳатидан халқаро стандартларга мос, ички ва ташқи бозорда харидорни, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратилган энг муҳим тармоқларни модернизация қилишни давом эттириш назарда тутилган.

(Давоми 2-бетда)

«ЎЗБЕКЭНЕРГО» ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИДА

Мамлакатимиз энергетика тизими фаолиятининг заиф бўғинларидан бири охириги вақтгача мазкур тизим тармоқларининг бир-бирига уланмагани эди. Шу сабабли мамлакатимизнинг жанубий ҳудудларида электр энергияси Тожикистондаги «Регар» подстанциясидан етказиб бериларди.

Кейинги икки йилда «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси Ўзбекистон энергетика тизимини ялпит ҳолга келтириш бўйича изчил иш-

ларни амалга оширди. Шу тариқа унинг ишончли ва узлуксиз фаолият кўрсатишини таъминлади.

2009 йилнинг ноябрь ойи охирида «Ғузор» ва «Сурхон» подстанциялари йўналиши бўйича Сурхондарё вилоятига электр энергиясини бевосита етказиш имконини берадиган 500 киловаттлик электр узатиш линияси қурилиши ниҳоясига етди ва у фойдаланишга топширилди.

25 ноябрь куни мазкур электр узатиш линияси қучлантирилади ва жорий

йилнинг 1 декабридан тўлиқ ишга туширилади. Бунинг натижасида илгари Тожикистон энергетика тизими Ўзбекистон ҳудудига етказиб берган электр энергияси ҳажмига эҳтиёж қолмайди ва ундан Тожикистон ўзининг ички эҳтиёжлари учун фойдаланиши мумкин. Тожикистоннинг Сўғд вилоятининг электр энергиясига бўлган эҳтиёжи эса бундан кейин ҳам илгари шакланган схема бўйича таъминланиши мумкин.

(ЎзА)

ЎзХДП Жамоатчилик қабулхоналарида

ПОЕЗД ГУЛИСТОНДА ТЎХТАЙДИГАН БЎЛДИ

Жамоатчилик қабулхоналарига бўлаётган муурожаатлар эътиборсиз қолдирилмайди.

ХДП Боёвут туман кенгаши Жамоатчилик қабулхонасига бир гуруҳ фуқаролардан кўйидаги мазмунда муурожаат тушган эди: «Бизнинг йўлимиз тез-тез Хоразм тарафларга тушиб туради. Қариндош-уруғлар билан борди-келди қилишда асосан поезд хизматида фойдаланамиз. Бирок, Тошкентдан Урганч тарафга борадиган поездларнинг бирортаси ҳам Гулистон

шоҳбекатида тўхтамайди. Шунинг учун ҳам Хоразмга борувчи йўловчилар Тошкент ёки Жиззахга бориб, поезд кутишга мажбур бўлаёпти. Наҳотки, ушбу поездларнинг вилоят маркази ҳисобланган Гулистонда бир нафас тўхтаб ўтишининг имкони бўлмаса? Бу масала ҳал қилинса, ҳар кун ўнлаб сирдарёликлар шаҳармаشاҳар овера бўлиб юрмасди».

Ушбу масала юзасидан ХДПдан халқ депутатлари туман Кенгаши депутати Жаббор Раҳмонбердиев тегишли идораларга муурожаат қилди. Масалага Олий Мажлис Сенати аъзоси, темир йўл соҳасини яхши тушунган мутахассис сифатида Ботир Абдураимов ҳам аралашди.

Ниҳоят, «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик темир йўл компаниясига қарашли «Ўзтемирйўл» акциядорлик жамияти директори вазифиниси бажарувчи Ш.Мирзаахмедовдан Сенат аъзоси Б.Абдураимов ва халқ депутатлари Боё-

вут туман Кенгаши депутати Ж.Раҳмонбердиев номига боёвутлик фуқаролар кўтарган масала юзасидан жавоб хати олинди. Унда сирдарёлик йўловчилар хоҳиш-истагида асос борлиги, йўловчиларга қулайлик яратиш мақсадида 56/55 сонли Тошкент — Урганч ва 54/53 сонли Тошкент — Қўнғирот йўналишларидаги тезорлар поездларга шу йилнинг 29 октябридан бошлаб Гулистон шоҳбекатида тўхтаб ўтиш вақти жорий қилингани айтилган.

Мунаввар ПАРДАЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Кун кеча «Истиклол» санъат саройида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг «Камалак» болалар ташкилоти, Халқ таълими вазирлиги, БМТ болалар ташкилоти — ЮНИСЕФ ҳамкорлигида ўтказилган «Янги авлод — 2009» болалар ижодиёти фестивалининг республика босқичи бўлиб ўтди.

ИСТЕЪДОДЛАР ФЕСТИВАЛИ

Бу фестивални ўтказишдан кўзланган асосий мақсад мамлакатимизнинг шаҳар, туманлари, чекка қишлоқларида истиқомат қилаётган иқтидорли ёшларни кашф этишдир.

2004 йилдан буён ўтказиб келинаётган бу кўрик-танлов жорий йилда ҳам туман, шаҳар ва вилоятларда кўтаринки руҳда ва юксак савияда ўтказилди. Унда олти ёшдан ўн тўрт ёшгача бўлган салкам йигирма минг нафар ўғил-қиз мумтоз мусиқа, хонадалик, мусиқа чолгулари ижрочилиги, тасвирий ва амалий санъат, бадий ижод йўналишида ўз маҳоратларини намойиш қилишди. Республика босқичида эса етти юз нафар истеъдодли ўғил-қиз қатнашди.

Фестиваль юртимиз истеъдод со-



ҳибларига нечоғли бой, улар ҳамisha давлатимиз ва жамиятимиз эътиборида, халқимиз ардоғида эканини яна бир бор намоён этди. Тадбир сўнггида «Янги авлод — 2009» болалар ижодиёти фестивали ғолибларига дипломлар ва эсдалик совғалар топширилди.

Шунингдек, тадбирда футбол юлдузи Самуэль Это'О футбол бўйича иккита ўсмирлар жамоаси аъзоларига махсус дипломлар топширган бўлса, жаҳонга машҳур хонанда Сезария Эвора йиғилганларга «Bessame Micho» кўшигини тўхфа этди.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ

ШАҲАРЧА КАД РОСТЛАДИ

Наманган тумани ҳудудидан ўтган Лола кичик магистрал йўли бўйида 30 та замонвий кotteж барпо этилмоқда. 1,2 гектар майдонда қиймати 1 миллиард 800 миллион сўми ташкил этадиган мазкур объектада ажратилган маблағнинг ярмидан ортиғи ўзлаштирилди.

Хонобод экспериментал шаҳарчаси, деб шартли номланган мазкур объект қурилишига «Кишлоққурилиш-банк» ОАТБнинг Наманган минтақавий филиали асосий буортмачидир. Бош пудратчи — «Бинокор таъмир-қурилиш инвест» МЧЖнинг 150 нафардан ортқ қурувчиси 8 та бригадага бўлинган ҳолда иш олиб бормоқда.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ

ҚИШ МАВСУМИГА ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗГИН

2

ТАРАҚҚИЁТ ТАШАББУСГА УНДАЙДИ

3

БИЗ БИРИНЧИ БЎЛИБ БОРАМИЗ

4

O'zbekiston havo yo'llari

TOSHKENT XALQARO AEROPORTI

Хизматлар лицензияланган

ДЕПУТАТЛИККА НОМЗОДЛАР РЎЙХАТГА ОЛИНДИ

Шу муносабат билан, сиёсий партиялар депутатликка номзодларни рўйхатга олишни сўраб, Марказий сайлов комиссиясига мурожаат этди. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 24-моддасига мувофиқ, Марказий сайлов комиссияси сиёсий партиялар раҳбарларининг депутатликка номзодларни рўйхатга олиш ҳақидаги аризаси билан бирга, унга илова қилинадиган ҳужжатлар — сиёсий партия юқори органининг депутатликка номзодлар кўрсатиш тўғрисидаги қарори, сиёсий партия юқори органи мажлисининг депутатликка номзодлар кўрсатиш тўғрисидаги баённомаси, депутатликка номзоднинг ўз номзоди тегишли сайлов округидан овозга қўйилишига рози эканлиги тўғрисидаги аризаси, депутатликка номзоднинг, агар у Қонунчилик палатаси депутаты этиб сайланса, бажариб турган иши (хизмати)дан бўшаш тўғрисидаги аризаси қабул қилиб олинди.

М.Абдусаломов Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш бўйича сиёсий партиялар томонидан тақдим этилган ҳужжатларни қабул қилиш ва белгиланган 7 кунлик мuddатда қонун талабларига мувофиқлигини, депутатликка номзодлар кўрсатиш ва уларни расмийлаштириш билан боғлиқ жараёнларни ўрганиб чиқиш мақсадида Марказий сайлов комиссияси аъзолари ва масъул ходимларидан иборат ишчи гуруҳлари тузилганини таъкидлади.

Ишчи гуруҳлари томонидан депутатликка номзодлар сиёсий партияларнинг юқори органилари томонидан кўрсатилгани, ҳар бир сайлов округидан биттадан депутатликка номзод кўрсатилгани, бир шахс фақат битта сайлов округидан депутатликка номзод этиб кўрсатилгани, шунингдек, депутатликка номзодларга қўйиладиган талабларга мувофиқлиги масалаларини ўрганиб чиқди. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 22-моддасига биноан, хотин-қизлар сиёсий партиялардан кўрсатилган депутатликка номзодлар умумий сонининг камида ўттиз фоизини ташкил этиши масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Ишчи гуруҳлари ушбу ҳужжатларни Қонун талабларига мувофиқлиги тўғрисида берган хулосалари асосида Марказий сайлов комиссиясининг 20 ноябрь куни ўтказилган мажлисида «Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига сиёсий партиялардан кўрсатил-

ган номзодларни рўйхатга олиш тўғрисида»ги Қарор қабул қилинди.

Марказий сайлов комиссияси раиси рўйхатга олинган номзодларнинг умумий сони 517 нафарни ташкил этганини айтиб ўтди. Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясидан 123, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясидан 125, Тadbirkorлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партиясидан 135, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан 134 нафар номзод рўйхатга олинди.

Улар орасида хотин-қизлар 31,5 фоизни ташкил этади. Шу жумладан, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясидан кўрсатилган номзодларнинг 32,5, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясидан кўрсатилган номзодларнинг 31,2, Тadbirkorлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партиясидан кўрсатилган номзодларнинг 31,9, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан кўрсатилган номзодларнинг 30,6 фоизи хотин-қизлардан иборатдир.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 26-моддасига биноан, депутатликка номзодларни рўйхатга олиш қонунда белгиланган мuddатда тугалланганига эътибор қаратган М.Абдусаломов номзодлар рўйхатга олинганидан кейин беш кунлик мuddат ичида округ сайлов комиссиялари рўйхатга олинганлик тўғрисидаги хабарни тегишли сиёсий партияни кўрсатган ҳолда маҳаллий матбуотда эълон қилишни таъкидлади.

Энди, сайлов жараёнининг энг муҳим босқичларидан бири — сайловолди ташвиқоти бошланди. Бу жараён сайлов қонунчилиги ва Марказий сайлов комиссиясининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов бўйича сайлов кампанияси даврида депутатликка номзодлар, сиёсий партияларнинг сайловолди ташвиқотини ўтказишда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш тартиби тўғрисида»ги Низоми асосида ўтказилади.

Сайловолди ташвиқотини юртишда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда сунистеъмоликка йўл қўйилмайди, сайлов субъектларига тенг шароитлар яратилади. Сиёсий партияларга ўз келгуси фаолият дастури билан чиқиш ҳуқуқи таъминланади. Ушбу мақсадда сиёсий партиялар,

улар томонидан кўрсатилган депутатликка номзодларнинг оммавий ахборот воситаларидаги чиқишлари алифбо тартибда амалга оширилиши Марказий сайлов комиссиясининг 14 ноябрь куни матбуотда эълон қилинган Қарори билан белгилаб қўйилди.

Мазкур қарор билан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «Ўзбекистон» ва «Ёшлар» телерадиоканалларида, шунингдек, «Халқ сўзи», «Народное слово» ва «Правда Востока» газеталарида сиёсий партияларнинг сайловолди кампанияси давридаги чиқишларининг ҳафталик жадвали, чиқишлар учун ажратилган босма майдони ва нашр қилиш жадвали тасдиқланди.

Юқоридаги ҳужжатларнинг қабул қилиниши сиёсий рақобат ва қуранингни адолатли, очик ва ошкоро олиб борилиши учун тенг имконият, кафолатларни яратиш орқали сиёсий плюрализм, фикрлар хилма-хиллиги асосидаги соғлом рақобатни таъминлашга қаратилган.

Сайлов кампаниясининг ҳеч бир иштирокчисига бирор-бир имтиёз эътибор берилмайди. Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг нормалари, талаблари, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тартиби ҳамма учун мажбурий ва бирхилдир.

Яна бир бор таъкидлаш жоизки, деди Марказий сайлов комиссияси раиси, сайлов жараёнининг энг муҳим ва масъулиятли босқичларидан бири — бу сайловолди ташвиқоти саналади.

Шундай экан, ушбу сайловолди марафонда қайси сиёсий партия ва депутатликка номзод сиёсий рақобатнинг маданий шаклларидадан фойдаланган ҳолда яратилган ташвиқотий-ҳуқуқий тенг шароитлардан тўлақонли ва самарали фойдалана олса, мазкур сиёсий партия, мазкур депутатликка номзод сиёсий майдонда ғолиб бўлиши мумкин.

Маҳаллий ва ҳорижий журналистлар Марказий сайлов комиссияси раисига сайловолди ташвиқотининг ҳуқуқий асослари, бу борадаги халқаро тажриба, номзодлар рўйхатининг эълон қилиниши, сайловолди тарғибот-ташвиқот ишларининг молиялаштирилиши ҳамда бошқа масалаларга оид қатор саволлар билан мурожаат этдилар. М.Абдусаломов уларнинг барчасига батафсил жавоб қайтарди.

Бeҳзoд ШУКУРOВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири,
Абдусоиб ХАЙДАРОВ
олган суратлар.

Шу билан бирга, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашни жаддалаштириш орқали таркибий ўзгаришларни ва иқтисодий диверсификация қилишнинг давомийлигини таъминлаш ва аҳоли турмуш даражасини янада оширишга қаратилган. Бюджет лойиҳаси солиқ ва бюджет сибсатида қабул қилинган асосий макроиктисодий кўрсаткичлар асосида тузилган бўлиб, келгуси йилда яппи ички маҳсулот 108,3%, саноат маҳсулот 108,3%, кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 105%, капитал қўйилмалар ҳажмининг 122,1 фоизга ўсиши кўзда тутилмоқда.

Дунёнинг кўплаб давлатларида иқтисодий-молиявий инқироз саноат ишлаб чиқаришини издан қилди, ишчи ўринлари кескин қисқарди. Ишсизлар сони ҳамон ўсиб бормоқда. Бизда эса 2010 йил Давлат бюджети параметрлари қўлга киритилган ютуқларни мустаҳкамлашга, иқтисодий-молиявий ривожланиш тенденциясини янада тезлаштиришга, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини мустаҳкамлашга замин яратди.

Ушбу ўринда яқиндагина Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан тасдиқланган «2010 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури» ҳақида ҳам тўхталиш жоиз. Дастурга мувофиқ, катта миқдордаги инвестиция ва бюджет маблағларини ушбу мақсадларга сарфлаш кўзда тутилган бўлиб, бу бир миллионга яқин янги иш ўрни яратилиши имконини беради.

— **Аҳолининг ижтимоий ҳимояланганлиги жамиятнинг ижтимоий барқарорлигини таъминлайди. Шундан келиб чиқиб, мамлакатимизда ижтимоий кўмакка муҳтож қатламни қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар йилдан йилга тақомиллашиб бормоқда. Давлат бюджетидан ушбу соҳага ажратилаётган маблағ миқдори ҳам муттасил ўсмоқда...**

— Молиявий ҳужжатнинг харажатлар қисмида ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш харажатларини 2010 йилда 2009 йилдаги 55,6 фоиздан 59,1 фо-

(Давоми. Боши 1-бетда)

ИЖТИМОЙ БАРҚАРОРЛИК КАФОЛАТИ

2010 йилги Давлат бюджетда ижтимоий масалаларга янада катта эътибор қаратилмоқда

изга ошириш назарда тутилмоқда. Бу яппи ички маҳсулотга нисбатан 13,5 фоизни ташкил этади. Унда соғлиқни сақлаш, таълим тизимини, аҳолининг кам таъминланган қатламларини ижтимоий ҳимоя қилишни молиялаштириш ҳажминини кўпайтириш, иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақаларни ошириш назарда тутилган.

— **Мамлакатимизда таълим ҳамда табиий ресурсларда иқтисодий ислохотлар амалга оширилмапти. Бу борадаги ишларни янада кучайтириш мақсадида Давлат бюджетидан мазкур соҳаларга маблағ ажратилиши масалаларига ҳам батафсилроқ тўхталсангиз.**

— Ҳар иккала соҳада олиб борилаётган ислохотлар келгуси йилда ҳам изчил давом этади. Таълим соҳасига 4,64 трлн. сўм маблағ ажратилади. Бу эса ўтган йилгига нисбатан 1,1 трлн. кўп дегандир. Эндиликда барча вилоятларда бир ўқувчи сарфланадиган базавий мезърий харажатлардан келиб чиққан ҳолда халқ таълимни муассасалари бюджет маблағларини режалаштириш ва молиялаштиришнинг янги тартиби жорий қилинади. 2008 йилда тасдиқланган мусиқа ва санъат мактаблари моддий-техник базасини ривожлантириш дастурига мувофиқ, 51 та мусиқа, санъат мактабларини қуриш ва капитал реконструкция қилишга маблағ ажратилмоқда.

Соғлиқни сақлаш тизимини янада юқори поғонага кўтариш ва шу асосда аҳолига табиий хизмат кўрсатишни сифат жиҳатдан яхшилашга эътибор қаратилган. Бу соҳага ажратилаётган маблағ анча кўп бўлиб, яппи ички маҳсулотнинг 2,8 фоизи миқдорига тенг.

— **Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифала-**

ридан бири солиқ сибсатини самарали йўлга қўйишдир. 2010 йилда бу борадаги асосий ишлар нималардан иборат?

— Келгуси йилда солиқ сибсати хўжалик юритувчи субъектларга солиқ юқини янада камайитириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, аҳоли даромадларини ўстириш ва харид қобилиятини ошириш, солиқ маъмурчилигини соддалаштиришга қаратилади. 2010 йилга мўлжалланган Давлат бюджетидан фойда солиғи бўйича амалдаги имтиёزلарни бирхиллаштириш тақлиф этилмоқда. Масалан, юридик шахслар фойдасидан олинадиган базавий солиқ ставкасининг амалдаги 10 фоиздан 9 фоизга пасайтирилиши ҳисоб-китобларга кўра, 2010 йилда хўжалик юритувчи субъектлар тасарруфидан 52 миллиард сўмдан зиёд маблағ қолдириш имконини беради. Бу маблағ ишлаб чиқаришни кенгайтириш, корхоналарни техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашни тезлаштириши, аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш мақсадида келгуси йилда солиқ солишининг биринчи шкаласи бўйича жисмоний шахслардан ундириладиган даромад солиғининг ставкаси 12 фоиздан 11 фоизга камайитирилади. Бунда солиқ солинадиган даромаднинг олий ўқув юрларида таълим олиш учун тўланадиган, шунингдек, фуқароларнинг Халқ банкидаги, шахсий, жамғариб бориладиган ҳисоб varaқларига ихтиёрий равишда ўтказиладиган маблағлар суммасига камайитириш тарзидаги қўшимча имтиёзлар жорий этилмоқда. Ушбу имтиёзларнинг қўлланилиши вазифа жисмоний шахсларнинг даромадларига солинадиган солиқ юқи камайиб, 2010 йилда 102 миллиард сўм мамлакатнинг иш билан банд аҳолини тасарруфидан қолади.

Янги иш жойлари ташкил этиш мақсадида микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўловининг мақбул базавий ставкаси белгиламоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг тамаки чекиш билан курашиш доирасидаги талабларига биноан, алкоғолли маҳсулотлар, пиво, филтёрли сигарет ва спиргга акциз солиғи ставкаларини 25 фоизга, филтёрсиз сигаретга 50 фоизга ошириш назарда тутилган. Алкоғолли маҳсулотлар ноқонуний сотишларини олдини олиш мақсадида уларнинг улгурчи ва чакана савдосига табақаланган миқдорларда минимал нархларни қўллаш тақлиф этилмоқда.

— **Хукумат томонидан тақлиф этилган Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилга Давлат бюджети лойиҳаси юзасидан партиямиз фракциясининг позицияси қандай бўлди?**

— Лойиҳа Фракциямиз йиғилишида батафсил кўриб чиқилди. Шунингдек, қўйи палатанинг тегишли кўмитасида, яппи мажлисда бўлган муҳокамалар чоғида ЎзХДПдан сайланган депутатлар давлат бюджети маблағларидан фойдаланиш самардорлигини ошириш, аҳолига кўрсатилаётган ижтимоий ёрдамнинг манзиллигини кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада хукумат вакилларига ўзларини қизиқтирган кўплаб саволлар билан мурожаат этдилар. Депутатлар шунингдек, давлат бюджети лойиҳасида ижтимоий масалаларга ҳар йилгидан кўра кўпроқ эътибор қаратилаётгани, олий ўқув юртида ўзининг ёки 26 ёшга бўлган фарзандининг таълим олиши учун тўланадиган суммаларга солиқ имтиёзининг жорий этилаётгани партиямиз электорати мафбатларига жуда мос эканлигини таъкидлади.

Дилфoрў ЗАЙНИЕВА
сўзлашди.

(Давоми. Боши 1-бетда)

АҲОЛИ ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИ

партиямиз сиёсатининг бош мақсади

Меҳнат билан банд бўлган кишиларнинг иқтисодий-ижтимоий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишни янада тақомиллаштириш, аҳолини иш билан таъминлаш, хавфсиз, қўлай меҳнат шароитлари яратиш, иш ҳақлари ўз вақтида тўлинишини кафолатлаш масалалари касаба уюшмаларининг ҳам асосий вазифаларига кирди. Шу сабабдан ҳам Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ва Касаба уюшмалари федерацияси томонидан ижтимоий шериклик тўғрисидаги битим имзоланган. Шунга асосан, касаба уюшма ташкилотлари ҳамда ХДП вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари ҳамкорлигида иш олиб бормоқда.

Аҳолини иш билан таъминлаш, бандлик муаммосини ҳал этиш инқирозга қарши қўрилаётган чораларнинг муҳим йўналиш-

ларидан бири ҳисобланади. Корхона ва ташкилотларда янги иш ўринлари яратиш, мавжудларини сақлаб қолиш масалалари билан шуғулланиш кундалик фаолиятимизнинг муҳим қисмига айланган. Жорий йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида Қашқадарё вилоятида 74 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 18800 тага кўп дегани. Булар амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, давлат ва маҳаллий дастурларнинг ҳаётга татбиқ этилаётгани натижаси, албатта.

Кейинги 4 йил мобайнида ҳуқуқий масалалар бўйича 1200 га яқин корхона ва ташкилотлар фаолияти ўрганилиб, уларга амалий ёрдам қўрсатилди. Ноқонуний ишдан бўшатишдан 67 нафар ходим ўз вазифасига тикланди. Кейинги икки йилда икки минг-

Сўз — ЎзХДП фаолларига

дан ортиқ корхона ва ташкилотлар фаолияти ўрганилиши натижасида иш берувчиларнинг айби билан 10260 ҳолатда меҳнатни муҳофаза қилиш қонун-қоида ва мезъола-рининг бузилгани аниқланди. Ушбу ҳолатларнинг мавжудлиги ЎзХДП Дастурида белгиланган иш берувчилар олдида кафолатли ҳимояга муҳтож кишилар манфаатини ҳимоя қилиш масаласи қанчалик долзарб эканини аққол кўрсатмоқда. Бу борадаги вазият таҳлили ижтимоий шерикликни янада мустаҳкамлаш, тегишли тadbirkorларнинг самарасини ошириш зарурлигини тасдиқлайди.

Партияимизнинг VII курултойида бу борадаги ишларни янада тақомиллаштириш зарурлигига эътибор қаратилди. Чунки аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш учун кишиларни аввало иш ва муносиб меҳнат шароитлари билан таъминлаш зарур.

Эсон РАЖАБОВ,
Қашқадарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси раиси.

ҚИШ МАВСУМИГА ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗҒИНИ

Самарқанд шаҳрида кўп қаватли турар-жой иншоотларини қишки иситиш мавсумига тайёрлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айни кунларда бу ердаги мавжуд 174 та хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари қарамоғида 931 та кўп қаватли уй-жой бўлиб, уларда 40 мингдан ортиқ хонадон бор.

— Иситиш мавсумига ҳозирлик кўриш мақсадида Самарқанд шаҳар ҳокимлиги қошида комиссия ташкил этилган. Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини мувофиқлаштириш борасида икки марта ўқув семинарлар ўтказилган бўлиб, ҳар ҳафтанинг шанба кунлари шаҳар ҳокими бошчилигида амалга оширилаётган ишларнинг келгуси режалари белгилаб олинди, — дейди хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмаси раиси Хайринисо Шатанова.

Олдинги йилларда йўл қўйилган камчиликларни тақрорламаслик, аҳоли хонадонларини узлуқсиз иссиқлик манбаи билан таъминлаш мақсадида шаҳар микёсида 12 та округ ташкил этилди. Мазкур округлар раҳбарлари янги ташкил этилган уй-жой мулкдорлари ширкатлари раҳбарлари ва масъул ходимларига яқиндан мадад беришарди.

Шунингдек, ширкатлар томонидан шаҳар ҳудудини ободонлаштириш, маиший чиқиндиларини вақтида олиб чиқишни ташкиллаштириш, кўп қаватли уй-жойларнинг ертўла ҳамда том қисмларини тўлиқ таъмирлаш ишлари бажарилапти.

Шуни айтиш лозимки, шаҳардаги аксарият уйлардаги лифтолار таъмирталаб эди. Юқори қаватда яшаётган фуқаролардан бу борада кўплаб ариза ва шикоятлар тушарди. Бу муаммонини бартараф этиш учун маблағ керак эди. Шунинг учун ширкатлар раҳбарлари кўл қовуштириб ўтирмасдан, масаланинг ечимини топишга ҳаракат қилишди.

— Самарқанд шаҳар ҳокимлиги, шаҳар коммунал хўжалик департаменти ширкат-



лар ишини мувофиқлаштириш бўлими билан ҳамкорликда лифтдан фойдаланувчи мулк эгалари ҳисобидан 11 та лифт таъмирланди, — дея сўзини давом эттирди уюшма раиси.

Шунингдек, 2009-2010 кузги-қишки мавсумга тайёргарлик кўриш борасидаги дастурга биноан, 225 та кўп қаватли уй-жой таъмирланиши режалаштирилган. Ҳозирга қадар, мазкур режа сифатли яқинга етказилди. Кўп қаватли уй-жойлар йўлакларига темир эшик ва роьлар ўрнатилиб, ертўлалардаги носозликлар бартараф этилди. Иссиқлик манбаи этиб бормайдиган кўп қаватли турар-жой масканларига ўрнатилиши белгиланган қозонхоналар масаласи бўйича дастур тузилиб, Республика Молия вазирлигига тақдим этилди. Бундан ташқари, 1991 йилга қадар қурилган кўп қаватли уйлардан 75 тасини мукамал таъмирлаш давлат дастурига киритилган эди. Уларнинг 69 тасида таъмирлаш ишлари якунланди. Қолган 6 та уйда ҳам таъмирлаш ишлари охирига етказилмоқда. Бир сўз билан айтганда, 2009-2010 йил кузги-қишки мавсум давомида аҳолини иссиқлик билан узлуқсиз таъминлаш бўйича режалаштирилган юмушлар ўз вақтида бажариламоқда.

Абдували ХУДОЕВ

ДАДИЛЛИК ВА ТАШАББУСКОРЛИК

бўлсагина депутатлик гуруҳлари фаолияти кучаяди

2004 йил сайловларида биз мавқимизни анча бегиб қўйдик. Масалан, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашида бугун партияимиздан сайланган 12 нафар депутат фаолият кўрсатмоқда. Бу оз сонли депутатларнинг шаҳар Кенгашида қабул қилинадиган қарорлар лойиҳаларини тайёрлаш ва қабул қилишда иштироки қанча фаол бўлмасин, таъсири кам бўлади.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози дунёнинг кўпгина, ҳатто ривожланган мамлакатларида ҳам ижтимоий-иқтисодий вазиятни издан чиқарди. Инқи-

роз нисбатан оз таъсир қилган давлатлар бир йил олдин 15 та бўлган бўлса, бугун улар бештани ташкил этади. Улар орасида бизнинг мамлакатимиз ҳам бор. Бу — Ўзбекистоннинг тандалган ўз тараққиёт модели, сиёсати, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнида либерализм гоғларини идеаллаштирмасдан, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти йўлини танлаш нақадар тўғри эканини яна бир бор исботлади.

Бизнинг оқсаётган томонимиз эса ана шу ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга ошириш

жараёнидаги фаоллигимиз кам сезилаётганидир. Чунки соғлиқни сақлаш, таълим ёки бошқа соҳада бўладими, ижро масаласида оқсаб ҳоллари бор. Масалан, аҳолига кўрсатилаётган табиий ёрдам сифатини ошириш борасида бугун кўп гапиришмоқда. Аммо табиий ёрдам кўрсатиш сифатини таъминлаш кимнинг қўлида? Бу ҳар бир муассасанинг раҳбарига бево-сита боғлиқ. Раҳбарнинг фаолиятини назорат қилувчи ким? Бу маҳаллий Кенгашларидаги депутатлар бўлиши керак.

Бугунги шароитда партияимиз қабул қилаётган янги платформа ана шу масалалар акс этади. Энди унинг ҳаётдаги ижроси ҳаммаимизни ўйлантириши, фаолликка чорлаши зарур.

Шу вақтга қадар йўл қўйган энг катта камчилигимиз — ижтимоий дастурларнинг ижросини таъминлашда фаол иштирок этмаганимиз ёки шу жараёнда янги-янги ташаббуслар билан чиқмаганимиз, деб айтиш мумкин.

Элмира БОСИТХОНОВА,
Тошкент шаҳар тез табиий ёрдам клиник шифохонаси бош врач,
халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати

ТАРАҚҚИЁТ ТАШАББУСГА УНДАЙДИ

Таълим ва тажриба

ёки олий таълим муассасаларида сифат менежменти тизимини
ISO халқаро стандарти талаблари даражасида ташкил этиш хусусида

Маълумки, таълим инсон фаолиятининг барча соҳаларига янги технологияларни татбиқ этиш, турмуш фаровонлиги даражасини оширишнинг энг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Президентимиз «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номи асарига таъкидлаганидек, «...ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник янгилash ва диверсификация қилиш, инновацион технологияларни кенг жорий этиш — Ўзбекистон учун инқирозни бартараф этиш ва жаҳон бозорига янги марраларга чиқишнинг ишончли йўлидир».

Ушбу вазифаларнинг ижроси мамлакатимизда олий таълимнинг бугунги ҳолатини жаҳон стандартлари даражасига олиб чиқиш, халқаро таълим тизимига интеграциялаштириш, кадрлар тайёрлаш тизимини халқаро меҳнат бозори талаби даражасида ташкил этишни талаб этмоқда. Жаҳон иқтисодиётига интеграциялашиб бораётган Ўзбекистон учун меҳнат бозорининг ўзгарувчан талабларига тез мослаша олувчи, рақобатбардош кадрларни тайёрлаш муҳим аҳамиятга эга.

Шу ўринда бир масалага эътибор қаратмоқ лозим. Бугунги кунда хориждаги барча етакчи олий таълим муассасалари фаолияти ISO ва бошқа шу каби халқаро сертификатлаштириш тизимлари талаблари даражасида ташкил этилган. Олий таълим муассасасининг халқаро сифат сертификатига эга бўлиши унинг халқаро миқёсда тан олинishi ва фаолият юритишнинг муҳим шарти ҳисобланади.

ISO атамаси юнотча «Isos» сўзидан олинган бўлиб,



«тенг», «эквивалент» деган маъноларни англатади. ISO атамаси инглиз тилидаги «International Organization for standardization» сўзларининг қисқартмасидир.

ISO халқаро стандартлаштириш тизими бўлиб, унинг бош офиси Женева (Швейцария) шаҳрида жойлашган. ISO халқаро стандартларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича энг йирик халқаро ташкилотдир. Шунингдек, «Global Assurance Limited» Буюк Британия (Лондон), ISO 9001-2001 сифат менежменти тизими жаҳон стандартлари талабига жавоб беради.

Хозирги кунда иқтисоди ривожланган барча давлатларда сифат менежменти тизими ISO 9000 стандартлари серияси талабларига мослигини сертификациялаш жорий этилган бўлиб, бу давлатларнинг деярли барчасида ISO 9000 халқаро стандартлари давлат стандартлари сифатида эътироф этилган.

Таълим хизматлари соҳаси-

даги ISO 9000 стандарти ISO/IWA 2:2007-«Сифат менежменти тизими — таълим соҳасида ISO 9001:2000 ни қўллаш бўйича тавсиялар» деб номланади.

Олий таълим муассасаларида сифат менежменти тизимини ISO 9001:2000 халқаро стандарти талаблари даражасида ташкил этиш учун бир қатор олий таълим муассасаси стандартлари (ОТМС) ташкил этилиши талаб қилинади. ОТМС ўз номидан кўриниб турганидек, ОТМ таркибий бўлинмалари томонидан тайёрланади, ОТМ Илмий кенгаш томонидан тасдиқланади, бунда ОТМ фаолиятини тартибга солувчи амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асос бўлиб хизмат қилади.

Олий таълим муассасаларида сифат менежменти тизимини ISO 9001:2000 халқаро стандарти талаблари даражасида ташкил этиш учун сифат назорати хизмати бошқарма ёки бўлим шаклида ташкил этилади. Шунингдек, бевоқиф ОТМ ректорига

бўйсунishi ва ОТМ илмий кенгаши олдида ҳисобдор бўлиши зарур. Ўзбекистон Республикаси ОТМда фаолият юритаётган Мониторинг ва ички назорат бўлимларини Сифат назорати бўлими сифатида қайта ташкил этилиши уларнинг фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарди.

Сифат назорати бўлими ходимлари таркиби куйидагича бўлиши тавсия этилади: Сифат назорати бўлими бошлиги, Меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш инспектор, Мониторинг ва ички назорат инспектори, Ҳужжатларни юритиш бўйича инспектор.

Мамлакатимиз ОТМнинг жаҳон талаби даражасига чиқишга интилиши, эришаётган ютуқ ва муваффақиятлари, қабул қилиниши талаб қилинади. ОТМС ўз номидан кўриниб турганидек, ОТМ таркибий бўлинмалари томонидан тайёрланади, ОТМ Илмий кенгаш томонидан тасдиқланади, бунда ОТМ фаолиятини тартибга солувчи амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асос бўлиб хизмат қилади.

Олий таълим муассасаларида сифат менежменти тизимини халқаро стандартлар талаблари даражасида ташкил этилиши уларнинг жаҳон бозорига рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилади.

Муҳаммад Али САИДОВ,
иқтисод фанлари доктори,
профессор.

ОЧАРЧИЛИК ХАВФИ

юзага келиши мумкин

2008 йилда АҚШда очарчилик хавфи тахминан 17 миллион оилага таҳдид солган эди. Агар бунга аҳоли жон бошига ҳисоблайдиган бўлсак, 49 миллион кишини ташкил этади. Бу 1995 йилдан кейинги (АҚШ Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ўша йилдан эътиборан ҳар йили озиқ-овқат бўйича ҳисобот тайёрлайди) энг хавfli кўрсаткичдир.



Қишлоқ хўжалиги вазири Томас Вилсак жорий йилнинг статистик ҳисоботини тайёрлашга киришар экан, шунинг алоҳида таъкидладики, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида, яъни 2009 йилда очарчилик хавфи ўтган йилгидан бир неча баробар ортиб, рекорд даражага етиши мумкин. Негаки, жорий йилда озиқ-овқат етишмовчилиги бўйича вазият ўтган йилгидан оғир.

2007 йилда 13 миллионга яқин оила озиқ-овқат тақчиллигини бошидан кечирган.

ИТАР-ТАСС хабар беришича, АҚШда озиқ-овқат муаммосини ҳал этиш учун Оқ уй маъмурияти мамлакат Конгресси томонидан кучли қонун лойиҳаси ишлаб чиқишини талаб қилади.

8 МИЛЛАРД ДОЛЛАР

иқтисод қилинади, агар...

Американинг Калифорния штати маъмурияти электр энергияси истеъмолини чеklang бўйича қарор қабул қилди. Унга кўра, ҳаддан зиёд катта экранли телевизорлардан фойдаланиш тақиқланди, негаки, улар электр энергиясини кўп истеъмол қилади.

«ВВС» маълумотларида қайд этилишича, бугунги кунда Калифорнияда электр энергиясининг 10 фоизи айнан телевизор томошаси учун сарфланган.


Агар янги қарор ижроси

яқини таъминланса, штат яқин ўн йилда 8 миллиард долларлик электр энергиясини иқтисод қилади.

Муаммо шундаки, бугунги кунда Калифорнияда соҳилаётган телевизорларнинг

аксарияти энергияни иқтисод қилиш бўйича жорий этилган андазаларга мувофиқ келмайди. Яъни савдодаги телевизорларнинг аксарияти катта экранли.

Янги тартибга кўра, 2011 йилдан эътиборан диагонали 147 сантиметрдан катта бўлган барча телевизорлар бугунги кунда сарфланаётган энергиядан анча кам энергия сарфлаши лозим. 2013 йилдан кейин эса 50 фоиз кам энергия истеъмол қиладиган телевизорлардан фойдаланишга рухсат берилади.



МАЪМУРИЯТ РУХСАТИСИЗ

эълон қилиш ман этилади

Қирғизистон маъмурияти Фавкулдада вазирлар вазирлиги рухсатисиз зилзила юз бериши ҳақидаги башорат эълон қилинишини тақиқлади. Бундай қарор Илмий-техник кенгаш томонидан қабул қилинди.

«АКИpress» АА хабарига кўра, қарордан максимал аҳоли орасида саросима уйғотмаслик.

Айни пайтда республика парламентига «Сейсмик хавфсизлик тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинмоқда. Унда ҳар бир фуқаро сейсмик хавф даражаси тўғрисида ахборот олишга ҳақлиги алоҳида таъкидлан-

ган.

Қирғизистон Фавкулдада вазирлар вазирлиги рухсатисиз зилзила юз бериши ҳақидаги башорат эълон қилинишини тақиқлади. Бундай қарор Илмий-техник кенгаш томонидан қабул қилинди.

Мамлакатда охириги марта энг кучли зилзила 2008 йил октябр ойда Ўш вилоятининг Нур қишлоғида юз берган. Ушанга ҳудуддаги 90 фоиз уй вайронага айланган, 74 киши ҳаётдан кўз юмган.



Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

6-сон ҚУРИЛАЁТГАН КОРХОНАЛАР БИРЛАШГАН ДИРЕКЦИЯСИ

қуйидаги иншоотга пудратчи ташкилотларни танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади:

«Бухоро вилояти, Пешку туманидаги «Варахша» каналини қуриш ва қайта қуриш»

Буюртмачининг бошланғич нархи: — ҚҚС билан 5568896,082 минг сўм, — ҚҚСсиз 4640746,735 минг сўм. Қурилиш муддати — 44 ой.

Қурилиш ишлари Республика бюджети ҳисобидан молиялаштирилади.

Савдо ташкилотчиси — Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

Буюртмачи манзили: Бухоро шаҳри, Ширбулдин кўчаси, 2-муолиши. Тел: (8-365) 225-15-40.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридидаги айланма маблағга ёки қўрсатиб ўтилган маблағга берилган банк қароватнома-сига, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, сгарли касбий ва техникавий малакага, танловга қўйилган объектга ўқаш иншоотларда ишлаганлик тажрибасига ва кўникмаларга ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ва ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов тақлифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўйилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб берилмайдиган танлов тақлифлари қатнашчиларининг танлов тақлифларини баҳолашда қўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:

Бухоро шаҳри, Навоий шох кўчаси, 5-уй, 18-хона.
Тел: 223-96-29, факс: 223-97-51.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 60000 сўм.

Тақлифлар (оферталар) танлов савдолари ташкилотчиси томонидан юқоридидаги манзилда қабул қилинади.

Тақлифлар (оферталар)ни танлов ташкилотчисига тақдим этишнинг охириги муддати — оферталар очилиш кўни ва соатига қадар.

Тақлифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда берилгандан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: **Бухоро шаҳри, Навоий шох кўчаси, 5-уй, 18-хонада ўтказилади.**

Ташкилотлар ва корхоналар раҳбарлари диққатига!

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

«ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

2010 йилги дастур асосида вилоятда қуйидаги мукамал таъмирланадиган касб-хунар коллежлари ётоқхоналари бўйича пудратчи ташкилотларни танлов юзасидан очиқ танлов савдоси ўтказилишини эълон қилади:

Лот 1-1. Сурхондарё вилояти, Музработ тумани, «Халқобод» кўрғони Ижтимоий иқтисодиёт йўналишидаги касб-хунар коллежи қошидаги 100 ўринли ётоқхонани мукамал таъмирлаш.

97,542 миллион сўм, қўйилган қиймат солиғисиз — 81,285 миллион сўм. Қурилиш муддати — 60 кун.

Лот 2-1. Сурхондарё вилояти, Қизирик тумани, «Дўстлик» маҳалласидаги Қишлоқ хўжалиги йўналишидаги касб-хунар коллежи қошидаги 200 ўринли ётоқхона биносини мукамал таъмирлаш.

108,264 миллион сўм, қўйилган қиймат солиғисиз — 90,220 миллион сўм. Қурилиш муддати — 60 кун.

Лот 1-2. Сурхондарё вилояти, Денов тумани, «Хайробод» ҚФЙ даги Педагогика йўналишидаги касб-хунар коллежи қошидаги 100 ўринли ётоқхонани мукамал таъмирлаш.

100,188 миллион сўм, қўйилган қиймат солиғисиз — 83,490 миллион сўм. Қурилиш муддати — 90 кун.

Лот 2-2. Сурхондарё вилояти, Кумқўрғон туманидаги Қишлоқ хўжалиги йўналишидаги касб-хунар коллежи қошидаги 100 ўринли ётоқхона биносини мукамал таъмирлаш.

146,619 миллион сўм, қўйилган қиймат солиғисиз — 122,182 миллион сўм. Қурилиш муддати — 75 кун.

Лот 2-3. Сурхондарё вилояти, Кумқўрғон тумани, «Сайхон» қишлоғидаги Қишлоқ хўжалиги йўналишидаги касб-хунар коллежи қошидаги 200 ўринли ётоқхона биносини мукамал таъмирлаш.

122,378 миллион сўм, қўйилган қиймат солиғисиз — 101,982 миллион сўм. Қурилиш муддати — 45 кун.

Объектнинг бошланғич нархи: қўйилган қиймат солиғи билан — 109,660 миллион сўм, қўйилган қиймат солиғисиз — 91,383 миллион сўм. Қурилиш муддати — 90 кун.

Лот 2-4. Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳридаги Санъат йўналишидаги касб-хунар коллежи қошидаги 100 ўринли ётоқхона биносини мукамал таъмирлаш.

109,660 миллион сўм, қўйилган қиймат солиғисиз — 91,383 миллион сўм. Қурилиш муддати — 90 кун.

Объектнинг бошланғич нархи: қўйилган қиймат солиғи билан — 122,378 миллион сўм, қўйилган қиймат солиғисиз — 101,982 миллион сўм. Қурилиш муддати — 45 кун.

Буюртмачи: Сурхондарё вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.

Манзили: Термиз шаҳри, А.Бакуменко кўчаси, 5-уй, Тел/факс: (8-376) 222-49-71, 222-49-80, 222-49-85.

Объектларнинг қурилиш ишларини молиялаштириш давлат бюджети маблағи ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридидаги айланма маблағнинг ёки қўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк қароватномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов тақлифлари баҳоланганда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилади: танлов иштирокчиларининг тақлифлари баҳолаш жараёнида танлов тақлифларида четдан ишлар (хизматлар) киритилиш кўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қонунга мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, тақлиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисоблаган ҳолда баҳоланади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — «Ўздав-архитектқурилиш» кўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:

Термиз шаҳри, Амир Темур кўчаси, 69-уй, телефон/факс: (8-376) 222-44-73, 222-44-76.
Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 60 000 сўм.

Тақлифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охириги муддати — оферталар очилиш кўни ва соати.

Тақлифлар (оферталар)нинг очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: **Термиз шаҳри, Амир Темур кўчаси, 69-уйда ўтказилади.**

Кўча-кўйда учратиб қолсангиз, сиз уларнинг қутқарувчи эканлигини билмайсиз. Ҳозир ҳам ўзларининг хизмат жойида — Фавқулодда Вазиятлар вазирлигининг тез ҳаракат қилиш республика кўп тармоқли марказининг дам олиш хонасида, жисмоний машғулотлардан сўнг бемалол чақчақлашиб, ҳазил-хузул қилиб ўтирган бу йигитларнинг ҳаёти доимо шундай осойиштадек туюлади кишига. Аммо, буйруқ келиши билан бу сокинлик тугайди, йигитлар ўз вазифаларини бажаришга отланадилар.

«БИЗ БИРИНЧИ БЎЛИБ БОРАМИЗ»

Сиз кутмаган суҳбат

чорлади. Хайдовчи мажақланган машинада шундай сиқилиб қолган эдики, уни тортиб олишга унча-мунча одамнинг юраги бетламасди. Баҳодир бошчилигида бу иш уддаланди. Хайдовчининг томири билинар-билимас уриб турар, демак, унинг ҳаёти учун курашни

ходир. — Шароит тақозо қилса, ҳаммамиз қутқарувчи бўла оламиз. Фарқи, биз профессионалларики. Шунинг учун зиммамизда масъулият ҳам бор. Оғир ишимизни бажариш учун қутқарувчи инстинкти, виждони, маҳоратининг ўзигина етарли эмас. Яқин одамларимизнинг тушуниши ва мадади ҳам бизга куч бағишлайди.

Бу борада Баҳодирнинг омади чоған — турмуш ўртоғи, ярим тунни, тонг қоронғисини, уни очик чеҳра билан кутиб олади. Хавотирини яширишга ҳаракат қилади.

— Афсуски, баъзан воқеа жойидан тирик инсонларни эмас, ҳалок бўлганларни олиб чиқишимизга тўғри келади, — дейди Баҳодир.

— Бундай фожиаларнинг сабаби одамларнинг оддийгина хавфсизлик қоидаларига риоя қилмаслиги натижасида ўй беради.

Уларнинг фаолиятида бундай мисоллар кўп. Қор кўчиси ҳақидаги огоҳлантиришга қарамай йўлга чиққан хайдовчи, уйдаги газ ҳидини сезмай чироқни ёққан ўй бекаси...

— Агар ҳар биримиз ўзимизнинг ва атрофдагилар ҳаётини қадрласак, соғлимиз ва умримизга зомин бўлувчи турли фақуллодда ҳодисалар камаяди, — мушоҳада юртади яна Баҳодир.

Профессионал қутқарувчилар — «Дўстлик» ордени соҳиби, сержант Олег Захаров ҳам, «Шухрат» медали нишондори, кичик сержант Баҳодир Аскарлов, кўксини «Жасорат» медали беэаб турган оддий аскар Баҳодир Мадалиев ҳам, умуман барча қутқарувчилар аввало, инсонлар осойишталиги, тинчлигини тилайди. Аммо, ҳаётимиз турли тасодифлардан холи эмаслигини ҳам яхши тушунадилар.

— Қутқарувчилик касб эмас, пешонамизга битилган тақдир, — дейишади улар. — Лозим бўлган вақтда, биринчи бўлиб ёрдамга ҳаммиша биз етиб борамиз...

Шарофат ЙЎЛДОШЕВА,
«Ўзбекистон овози»
муҳбири.



Буйруқ бир дақиқадан кейин бўладики, бир соат ёки бир суткадан кейинми — буниси номаълум. Ҳаммаси гоҳ табиат инжиқлиги, гоҳ одамларнинг масъулиятсизлиги ва бепарволиги оқибатида келиб чиқадиган турли офатларга, бир сўз билан айтганда, фавқулодда вазиятга боғлиқ. Ён-атрофдагилар қутқаришни эпизолаганда, ҳатто, уларнинг ҳаммасблари ҳам ожиз қолган жуда мураккаб вазиятларда ана шу йигитлар ёрдамга отланишади. Марказ биносининг энг юқорисидан йирик ҳарфлар билан ёзилган «Биз биринчи бўлиб борамиз» сўзлари, кираверилган кўзга ташланган замонавий автомобилга ва техникалар бу ёрдамнинг ўз вақтида етиб боришга ишонч уйғотади кишида. Қутқарувчиларнинг ҳикоялари ҳам...

...Вазирлик топшириғига кўра, сержант Олег Захаров ҳаммасблари билан Тошкент вилояти туманларидан биридаги кишлоққа йўл олди. Қудуқ қазилган одамни тупроқ босиб қолган. Хайдовчи ҳам бундай вазиятларга кўникиб қолган, машинани иложи борича катта тезликда, чағдастик билан бошқаради.

Нихоят, манзилга етиб келишди. Қудуқ анча чуқур экан — одам эса 20 метр куйида...

Олег ва яна икки қутқарувчи иш қуроллари билан нагста туширилди. Ахволнинг жиддийлиги маълум бўлди — тупроқ орасидан қиска-қиска инграш эшитиларди. Тупроқни кавлаб ана шу овоз эгасини қутқариш керак эди. Айни пайтда ҳар ҳовуч тупроқни эҳтиётлик

билан олиш лозим — қуйи қисми кулаб тушган қудуқ девори исталган пайтда яна ўпирилиши эҳтимоли бор.

«Қудуқ қазувчи»нинг юзи очилиб, бўйнигача тупроқдан тазалангандан кейин унга жон киргандек бўлди. Тиззасигача қазиб олинганда эса анча ўзига келиб қолганди. Олег ҳаммасблари билан ўз ишини мохилона бажарди — амалий машғулотлардаги, қолаверса, Туркиядаги зилзила оқибатларини бартараф этишдаги кўникмалари ёрдам берди.

Нихоят, аввал «қудуқ қазувчи»ни «ер юзига» узатиб, кейин қутқарувчилар чиқшди. Аммо, жўнашга ошқимадилар. Йўриқнома талабларига кўра, аввало жабрдийдага биринчи ёрдамни кўрсатиб, тинчлан-

тириб, шок ҳолатидан чиқарилганлардан кейингина уларнинг иши тугаган ҳисобланади. Уни кўрпага ўраб, иссиқ чой ичиришди. Бироқ, «қудуқ қазувчи»ни ўзига келтирилганлардан сўнг, қутқарувчиларнинг кетиши қарин бўлди. Уларни дарров қуйиб юборишмади.

...Оддий кўнларнинг бирида катта йўлда ўз машинасида кетаётган Баҳодир йўл ўртасида тўпланаб турган одамларга кўзи тушиб, «қутқарувчи инстинкти» сабабли, дарҳол тўхтади. Қараса, йўл ҳалокати — «Нексия» юк машинасига қаттиқ зарб билан урилган. Шу даражада урилганки, гувоҳлар нима қилишини билмай, фақат бақир-чақир қилиб туришибди. Баҳодир дарҳол монтировка топтирди, атрофдагиларни ҳам ёрдамга

тўхтатмаслик керак. Лаҳзалар ҳисобда, «Тез ёрдам»нинг келишини ҳам кутиб ўтиришга вақт йўқ. Яхши одамлар кўп дунёда — кимдир ўз «Матиз»ида хайдовчининг олиб кетди. «Умид жуда кам, муъжизага ишонми мумкин» дейишган ўшанда шифокорлар. Баҳодир ҳалокатга учраган одамнинг кейинги тақдирини билан қизиқди — ногирон бўлса-да, тирик қолибди.

Агар Баҳодир ўша вақтда индамайгина ўтиб кетса (у постда эмасди, бу ишни бажариш ҳақида унга топширик бермагандилар, қолаверса, йўлдаги одамлар ҳам унинг профессионал қутқарувчи эканлигини билишмасди) бу мўъжиза рўй берармиди? — Мен ўз вазифамни бажардим ҳолос, — дейди Ба-

Баркамол авлод орзуси



Боёвут туманидаги 5-мусиқа ва санъат мактабида анъанавий хонандчилик, эстрада хонандчилиги, театр, рассом-бекзакчи, ёғоч-ўймакорлиги, компьютер графикаси каби бўлимларда ўқувчилар иштиёқ билан сабоқ олмақда.

Мактаб вилоят ва республика миқёсида ўтказилган турли танловларда фаол иштирок этади. Жумладан, 2006 йили Хоразмда доирачилик йўналиши бўйича ўтказилган республика кўрик-танловидан мактаб ўқувчиси Қобилжон Турсунов рағбатлантирувчи мукофотга лойиқ топилди. 2009 йили ўтказилган «Болалик баҳори» республика фестивалида эса мактабнинг анъанавий хонандчилиги бўлими ашулачилар ансамбли фахри 3-уринини эгаллади.

Суратларда: мактаб ҳаётидан лавҳалар. **Муҳаммад АМИН (ЎЗА)** олган суратлар.

Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашган қадимий ва навқирон Бухоро ўзининг ноёб тарихий обидалари, муқаддас қадимжо ва зиёратгоҳлари билан дунё сайёҳларини ўзига ром этиб келмоқда.


— Фақат ўтган йилнинг ўзида Бухоро шаҳрига 102 минг нафар, шу жумладан, хориздан 90 минг нафар сайёҳлар ташриф буюрди. Уларга «Ўзбектуризм» компанияси Бухоро бўлими ходимлари томонидан 6,5 миллиард сўмлик хизмат кўрсатилди. Бугунги кунда жаҳон молиявий иқтисодий таназзули давом этаётганига қарамай, сайёҳлик мавсуми биринчи ярмида 35 минг нафардан зиёд хорижий сайёҳ Бухорога ташриф буюрди. Уларга 3,7 миллиард сўмлик хизмат кўрсатдик.

Истиқлолгача Бухорода атиги 2 та меҳмонхона сайёҳларга хизмат кўрсатган бўлса, ҳозирги кунда улар сони 52 тадан ошди. Бухоронинг бу меҳмонхоналари бир кунда 2226 нафар сайёҳни қабул қилиш имкониятига эга. «Ўзбектуризм» тизимидagi ҳамда хусусий меҳмонхоналарда сайёҳларга кўрсатилган хизмат сифатини юксалтириш, турини янада кўпайтиришга эътибор қаратилмоқда. «Гранд Бухоро», «Заргарон», «Азия-Бухоро», «Кавсар-Бухоро-Султонота», «Рояль Гарден Реал», «Заргарон-Плаза» меҳмонхоналари, айниқса, сайёҳларга манзур бўлмоқда.

Бухорои шариф жаҳоннинг 13 та шаҳри билан биродарлашган. АҚШнинг Санта-Фе, Германиянинг Бонн, Жанубий Кореянинг Кенгинг, Россиянинг Братск, Орехово-Зуево, Испаниянинг Кордова, Франциянинг Руэй-Мальмезон,

Дунё нигоҳидаги шаҳар

Бухорога ҳар йили 100.000 нафардан зиёд сайёҳ ташриф буюрмоқда



Болгариянинг Варна шаҳарларидан ҳам ҳар йили юзлаб сайёҳлар табаррук заминга қадам ранжида қилишади.

Яқинда польшалик бир гуруҳ сайёҳлар билан учрашиб қолдик. Қизиги шундаки, уларнинг иккинчи жаҳон уруши йилларидаги болалик дамлари Бухорода ўтган экан. — Биз, бир гуруҳ болалар, — дейди гуанвельк Эдвард Сулковский, — уруш йиллари бухороликлар меҳр-муруввати туғайли очликдан омон

қолганмиз. Тақдир бизни булун яна бухороликлар билан учраштирди. Болалигимиздаги шаҳар бутунлай ўзгарибди. Қадимий обидалар қайтадан таъмирланибди. Меҳмондўст бухороликларга яна

зарур инфратузилмалар замонавий меҳмонхоналар, кенг ва раvon йўллар қуриш, туристик хизмат кўрсатувчи корхоналар ишини юксак тарадан таъмирланибди. Меҳмондўст бухороликларга яна

Шундан келиб чиққан ҳолда сайёҳлик ташкилотларининг туристик-операторлари мамлакатимиз пойтахти, шунингдек, кўпгина чет эл давлатларида ўтказилиб келинаётган ярмаркаларда фаол иштирок этапти. Буни Греция, Германия, Австрия, Англия, Япония, Австралия ва Латин Америкасидан келаётган туристлар сонининг йил сайин ортиб бораётганидан ҳам билса бўлади.

Дунё таърибасидан маълумки, сайёҳлик ҳар қандай мамлакат иқтисодий тараққиётининг салмоқли улушини ташкил этади. Айни пайтда, келгусида Бухорога сайёҳларни янада кўпроқ жалб этишга чора-тадбирлар белгиланяпти, кенгроқ эътибор қаратилаяпти.

Даврон БАХРОНОВ,
«Ўзбекистон овози»
муҳбири.

Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши партия фаоли, халқ депутатлари Зангиота туман Кенгаши депутати **Раҳмат НАЗАРАЛИЕВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

СПОРТ

ЎТТИЗ ИККИ ИШТИРОКЧИ НОМИ МАЪЛУМ

Футбол бўйича 2010 йили Жанубий Африка Республикасида бўладиган жаҳон чемпионати саралаш учрашувлари ниҳоясига етди. 14-18 ноябрь кунлари бутун жаҳон футбол ишқибозларининг диққат-эътибори ҳал қилувчи «плей-офф» баҳсларига қаратилди.

Дастлаб ўз майдонида Словения терма жамоасини 2:1 ҳисобида доғда қолдирган Россия футболчиларининг имконияти юқори баҳоланаётганди. Аммо Марибор шаҳрида ўтказилган ушбу жамоаларнинг жавоб учрашувида словенияликлар ўзлари учун керакли (1:0) натижани қайд этиб, жаҳон чемпионатининг финал босқичига йўлланмани қўлга киритди. Шунингдек, Донецкда ўтказилган Украина — Греция терма жамоалари баҳсида ҳам аскарят мухлислар мезбонлар галабасига умид қилишганди. Чунки Афинада ўтган дастлабки ўйин 0:0 ҳисоби билан яқунланганди. Бироқ Отто Регагель бош мураббийлик қилаётган грек футболчилари кичик ҳисобда (1:0) зафар қучиб, мезбонларни армонда қолдиришди.

Яна бир ҳаяжонли ўйин Парижда Франция — Ирландия футболчилари ўртасида кечди. Дублинда рақибларига 0:1 ҳисобида имкониятни бой берган ирландияликлар жавоб ўйинида мағлубият аламини олишга жуда яқин туришганди. Улар ҳатто учрашувнинг асосий вақтида 1:0 ҳисобида галаба ҳам қозонишди. Аммо кўшимча вақтда кўплаб баҳс-мунозараларга сабаб бўлган Англининг тўп узатишдан сўнг французлар ҳисобни тенглаштиришга муваффақ бўлишди ва жаҳон чемпионатининг навбатдаги иштирокчисига айланишди.

Европа қитъасидан мундиалга йўлланма олган охириги иштирокчи номини Босния ва Герцеговина — Португалия терма жамоалари учрашуви аниқлаб берди. Унда ҳар икки ўйинда ҳам бир хил — 1:0 ҳисобида зафар қучган португалияликлар кучлилар қаторидан жой олдилар.

Шундай қилиб, жаҳон чемпионатида иштирок этадиган барча ўттиз икки терма жамоа номи маълум бўлди. Улар **Дания, Швейцария, Словакия, Германия, Испания, Англия, Сербия, Италия, Голландия, Словения, Португалия, Греция, Франция, Бразилия, Чили, Парагвай, Аргентина, Уругвай, АҚШ, Мексика, Гондурас, Жанубий Африка Республикаси, Камерун, Нигерия, Гана, Кот-д'Ивуар, Жазоир, Австралия, Япония, Жанубий Корея, КХДР, Янги Зеландия** терма жамоаларидир.

Жаҳон чемпионати финал босқичи баҳсларига **4 декабрь** куни қуръа ташланади. Қуръа ташлаш маросими Кейптаун шаҳрида ўтказилади.

Куни кеча эса Жанубий Африка Республикасининг энг катта шаҳри — Йоханнесбургда 2010 йил ушбу мамлакатда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритган барча 32 миллий терма жамоанинг давлат байроқлари кўтарилди.

Эркин ХОЛБОБО

Сайёҳлик

BOSH MUHARRIR:	
Safar OSTONOV	
TAHRIR HAY'ATI:	
Abdulla ORIPOV	
Latif G'ULOMOV	
Asliddin RUSTAMOV	
Bobir ALIMOV	
Sharbat ABDULLAYEVA	
Murodulla ABDULLAYEV	
Ulug'bek MUSTAFOYEV	
Tat'yana KISTANOVA	(Bosh muharrir o'rinbosari)
(Bosh muharrir o'rinbosari)	
Muslihidin MUHIDDINOV	
Svetlana GERASIMOVA	
Andrey KUSTOV	
Ochilboy RAMATOV	
Saidahmad RAHIMOV	
MUASSIS:	
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI	
BO'LIMLAR:	
Partiya hayoti	233-10-13
Madaniyat va sport	233-69-45, (Tel. faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot	233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot	233-12-56
Reklama va e'lonlar	233-38-55, 233-47-80
Mas'ul kotib	233-72-83, 236-55-17
VILOYAT MUXBIRLARI:	
Andijonda —	25-32-70
Buxoroda —	223-06-02
Gulistonda —	25-46-45
Jizzaxda —	227-48-35
Navoiyda —	223-83-73
Namanganda —	226-43-43
Nukusda —	222-77-21
Samarqandda —	35-02-55
Urganchda —	517-30-58
Farg'onada —	224-18-78
Denovda —	8-37641-23-780
MANZILIMIZ:	
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY. e-mail: info@uzbekistonovozi.uz	
Navbatchi: Behzod SHUKUROV	
Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.	
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV	
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasida bosmaxonasi chop etildi. Korxonani mamlakat Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.	
Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi. Hajmi 2 bosma taboq. Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahriyot ruxsati bilan amalga oshiriladi.	
Г — 1049	
8230 nusxada bosildi	
t — Tijorat materiallari	
ISSN 2010-7633	
O'ZA yakuni — 00.45	
Topshirilgan vaqti — 01.30	
1 2 3 5 6 7 8	
Sohuvda erkin narxda	